

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ПАЗИЛОВА ДИЛНОЗА ЗИЯВУТДИНОВНА

МАХСУС ПОЙАБЗАЛ УЧУН ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИК ХОССАСИГА
ЭГА БЎЛГАН РЕЗИНА ТАГЛИКЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical science**

Пазилова Дилноза Зиявутдиновна

Махсус пойабзал учун электр ўтказувчанлик хоссасига эга бўлган
резина тагликлар технологиясининг ўзига хос
хусусиятлари..... 3

Пазилова Дилноза Зиявутдиновна

Особенности технологии подошвенных резин с
электропроводящими свойствами для
спецобуви..... 23

Pazilova Dilnoza

Features of tehnogy soles rubbers with electrically conductive properties
for special footwear..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ПАЗИЛОВА ДИЛНОЗА ЗИЯВУТДИНОВНА

МАХСУС ПОЙАБЗАЛ УЧУН ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАНЛИК ХОССАСИГА
ЭГА БЎЛГАН РЕЗИНА ТАГЛИКЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T805 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (titli.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Максудова Умида Мирзарахимовна
техника фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Мусаев Сайфулло Сафоевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги бир марталик DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг «26» январ 2019 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси - 5, (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (50 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси 5, тел. (+99871)- 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2019 йил «11» январ куни тарқатилди.

(2019 йил «11» январдаги 50 рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

А.Э.Гуламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги бир марталик илмий семинар
раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари ривожланиши билан бир қаторда махсус кийим ва пойабзалга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Дунё миқёсида рақобатбардош махсулотларга бўлган талабнинг ошиши ҳамда замонавий технологик ускуналарнинг яратилиши, махсус пойабзалга бўлган заруриятни туғдирмоқда. Жумладан, ушбу соҳа юзасидан ривожланган, яъни Германия, Италия, АҚШ, Хитой ва Россия давлатларида самарали натижалар қўлга киритилган бўлиб, махсус пойабзалнинг хавфсизлик даражасини такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва махсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда»¹. Шу билан бирга, махсус пойабзал ишлаб чиқаришда янги материаллардан фойдаланиш, уларнинг истеъмол ҳамда хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида махсус пойабзал ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялар қўллашнинг илмий амалий асосларини яратиш бўйича кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлашга асосланиб юқори қўшимча қийматли махсулот ишлаб чиқаришни назарий асослаш, илмий ёндашув ёрдамида махсус пойабзал учун янги электр ўтказувчи резина тагликлар яратиш ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, мақбул шароитларни ишлаб чиқиш, электр ўтказувчи резинали композициялар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш, қонуниятларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда чарм-пойабзал махсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланиб, бу эса ўз навбатида янги турдаги технологияларнинг қўлланилишига ва махсулот турларининг кенгайиши билан бир қаторда, истеъмол хусусиятларининг яхшиланишига олиб келадиган технологик жараёнларни ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга бўлган бошқариш тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш,... ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш...»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда махсус пойабзалларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги

¹ Stuart G. Luxon A History of Industrial Hygiene (англ.) // AIHA & ACGIH American Industrial Hygiene Association Journal. - Akron, Ohio: Taylor & Francis, 1984. - Vol. 45, no. 11. - P. 731-739. - ISSN 1542-8117. - DOI:10.1080/15298668491400520

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тагликлар учун резиналар яратиш ва самарали технологияларни тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 сентябрдаги ПҚ-2592-сон «2016-2020 йилларда чарм-поябзал саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 январдаги 3-сон «Чарм ва поябзал маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электр ўтказиш хоссаларига эга бўлган тагликли резина композициясини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, электр ўтказувчи поябзал, резина тагликлар ва инсоннинг электростатик заряди қийматига боғлиқлигини ўрганиш масалаларига J.K.Fink, M.Biron, A.K.Bhowmick, C.A.Harper, J.Brandrup, E.N.Immergut, Б.И.Сажин, В.Е.Гуль, Л.З.Шенфиль, Р.М.Левит, Д.Л.Федюкин, Н.П.Савчук, В.П.Лыба, Б.Н.Стрельцов, В.Л. Раяцкас, В.Т.Прохоров, А.В.Снозык, И.Н.Леденёв, О.А.Белицкая ва ҳ.к. каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда электр ўтказувчи резиналар полимер композициялари билан М.А.Аскарлов, С.Ш.Рашидов, А.Ибадуллаев, А.Х.Юсупбеков, С.С.Нигматов, Д.Н.Акбаров, У.М.Максудова ва А.С. Рафиқов, Э.У.Тешабаева ҳ.к. каби бир қатор олимларнинг ишлари хавфли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоялаш учун турли полимер композицияларни ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган.

Бирок, махсус поябзал учун полимер композицияларни яратиш соҳасида кўп сонли ишланмаларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, статик электр зарядларининг тўлиқ кетказилишини таъминлайдиган электр ўтказувчи резинали тагликлар полимер композициясини ишлаб чиқиш муаммоси етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № А-6-008 «Саноатнинг турли соҳалари ишчилари учун махсус кийим ва махсус поябзалларни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2006-2008), № ИТД-6-120 «Саноатнинг турли соҳалари учун махсус поябзални тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» (2008-2011) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади статик электрдан ҳимоя қилувчи махсус пойабзал учун электр ўтказувчи резинали тагликлар композицияси ва уни ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

махсус пойабзал таглиги учун резина тагликлар композициясининг электр ўтказиш ва физик-механик хусусиятларини ошириш усулини ишлаб чиқиш;

электр ўтказиш хусусияти юқори бўлган резина композициясини ишлаб чиқиш ва унинг таркибидаги тўлдирувчи техник углерод П-803 миқдори резинанинг технологик параметрлари ва хусусиятларига таъсир даражасини аниқлаш;

электр ўтказувчи резина тагликлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқилган технологияни қўллаш;

электр ўтказиш хоссаларига эга бўлган резина тагликларнинг киришишига таъсир этувчи омилларни ишлаб чиқиш;

электр ўтказувчи резина тагликларнинг киришишида елим пленкаларининг иссиқлик фаоллаштириш технологик жараёнини оптималлаштиришни аниқлаш;

пайпоқ материалларининг пойабзалда электр ўтказувчанлигига таъсир даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида махсус пойабзал, пойабзалнинг таг қисми учун электр ўтказувчи резинали тагликлар полимер композицияси ва таглик конструкциялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети электр ўтказиш ва физик-механик хусусиятлари юқори бўлган резина тагликлар композицияси олиш усуллари ва воситаларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик-статик маълумотларни қайта ишлаш, эксперт баҳолаш, дифференциал тенгламалар ечиш учун компьютер дастурий таъминот ва резинанинг электрофизик ва физик механик хусусиятларини ўлчаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пойабзал таглиги учун қўлланилган резина таркибига техник углерод киритиш ҳисобига унинг электр ўтказиш хусусиятини ошириш усуллари ишлаб чиқилган;

резина тагликлар композицияси таркибидаги тўлдирувчи техник углероднинг миқдори бўйича электр ўтказувчанлик ва физик-механик хусусиятлари ўзгариш боғланишлари ишлаб чиқилган;

СКМС-30 бутадиеен метилстироль каучуги асосида ишлаб чиқилган резина композициясини олиш ва қўллаш технологик режимлари ишлаб чиқилган;

электр ўтказувчи резина тагликларнинг киришишида елим пленкаларини иссиқлик фаоллаштириш технологик жараёни оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

статик электр токининг тўлиқ оқиб ўтишини таъминлайдиган ва пиротехник буюмлар ишлаб чиқариш цехида фойдаланиладиган импорт ўрини босувчи пойабзал учун электр ўтказувчи резина тагликлар ишлаб чиқилган;

резинанинг тузилиши ва таркибидаги техник углерод П-803 тўлдирувчисининг миқдори унинг электр ўтказиш хусусиятининг кўрсаткичларига таъсир боғланишларини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

пиротехника ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун ток ўтказувчан махсус пойабзал таглиги учун электр ўтказувчи резинали композицияни ишлаб чиқариш технологик регламенти ишлаб чиқилган;

электр ўтказувчи резина тагликларнинг киришишида елим пленкаларининг иссиқлик фаоллаштириш технологик параметр жараёнлари оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги электр ўтказувчи резинали махсус пойабзал учун олинган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари мазкур фан соҳасидаги маълумотларига қийсий таҳлили билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр ўтказувчи резиналарнинг технологик параметрлари ва физик-механик хусусиятларига, резина таркибига техник углерод миқдорини киритишнинг таъсири аниқланганлиги, бу эса таъсир этувчи омилларга боғлиқлик орқали резинанинг электр ўтказиш хусусиятини прогнозлаш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электр ўтказиш хусусияти юқори бўлган резина тагликлар олиш усуллари тавсия этилганлиги, юқори электр ўтказувчанликка эга бўлган тагликли резиналарни ишлаб чиқаришда тўлдирувчи П-803 миқдорининг рационал миқдори ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электр ўтказувчи махсус пойабзал учун қўлланилган резина тагликларнинг янги тузилишларини олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

электр ўтказувчи махсус пойабзал учун резинали таглик олиш технологияси «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, хусусан «Кафолат резина» МЧЖ га жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2018 йил 11 июндаги ФБ-9/667-1-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хом ашёдан электр токини ўтказувчи тагликли резина олиш имконияти яратилган;

ток ўтказувчи пойабзал ишлаб чиқиш технологик регламенти «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, хусусан «Нафис» МЧЖ корхонасига жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2018 йил 11 июндаги ФБ-9/667-1-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида тўлиқ электр токини ўтказувчи маҳаллий махсус пойабзал ишлаб чиқариш имконияти яратилди;

ишлаб чиқилган электр ўтказувчи резина тагликларидан тайёрланган пойабзал моделлари «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда, хусусан «Восток» ИЧБ да ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2018 йил 11 июндаги ФБ-9/667-1-сон маълумотномаси). Ишлаб

чиқилган «Статик электр токини ўтказиш учун махсус пойабзал (ток ўтказувчи пойабзал)» учун техникавий шартлар TSh 64-0207245-001:2004 ЎзР «Ўзстандарт» Давлат реестрида тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган («Ўзчармсановат» уюшмасининг 2018 йил 11 июндаги ФБ-9/667-1-сон маълумотномаси). Натижада пиротехника чиқаришнинг хавфли омилларини бартараф этувчи маҳаллий махсус пойабзал ишлаб чиқариш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 38 та илмий иш, улардан диссертация асосий натижаларини нашр қилиш учун ЎзР ОАК тавсия қилган республика журналларида 14 та, халқаро журналларда 3 та мақола chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Резина аралашмаларини яратиш ва уларни қайта ишлаш технологиясининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида резинали тагликларни олиш услублари, ингредиентлар ва улар резинанинг тузилмаси ва хоссаларига таъсири баён қилинган ва электр ўтказувчи самарали резина аралашмалари ва улардан буюмлар яратишнинг назарий шарт-шароитлари кўриб чиқилган.

Мавжуд ишлаб чиқариш ва нашр қилинган маълумотларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

- нисбатан паст электр қаршиликка, емирилишга юқори даражада чидамлиликка эга бўлган, техник ва технологик тавсифномалари электрик учқун меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган каучуклар турини танлаш ва асослаш;

- резиналар таркибига турли электр ўтказувчи тўлдирувчиларни киритиш;
- электр ўтказувчи резинали тагликларни олиш ва қўллашнинг технологик жараёнларини оптималлаштириш.

Аниқландики, П-803 тўлдирувчиси билан тўлдирилган тизимларда электр токининг оқиб ўтиши шароитларга боғлиқ ҳолда ёки ўтказувчи зарралар орасида бевосита контакт орқали ёхуд термоэлектрон эмиссия ёки туннель

эффе́кти ҳисобига улар орасида электроннинг сакраб ўтишига имкон берувчи масофагача яқинлашувида амалга ошиши мумкин.

Диссертациянинг **“Пойабзал материалларининг электростатик хусусиятларини тадқиқот объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида материалларнинг хусусиятлари, уларнинг физик-механик ва электрофизик хусусиятларини ўрганиш усуллари аниқланган. Пойабзал материалларини динамик усул билан электростатик хусусиятларини ўлчаш усуллари келтирилган. Бобда патент ва ижтимоий тадқиқотлар, эксперт баҳолаш, бадий-конструкторлик таҳлиллар, математик ва статик маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Ток ўтказувчи резани аралашмалари таркибини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида тажриба натижалари ва натижалар таҳлили келтирилган. Махсус пойабзал учун электр ўтказувчи резинали композициясини олиш, антистатик пойабзал ишлаб чиқаришда резинали тагликлардан фойдаланиш технологик жараёнларини оптималлаштиришга бағишланган.

Пойабзал ишлаб чиқаришда таглик сифатида кенг фойдаланиладиган материалларнинг электрофизик кўрсаткичларини мажмуавий тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, пойабзал материаллари кенг диапазондаги солиштирма электр қаршиликлар билан тавсифланиб, уларнинг сезиларли ўзгариши материалларнинг физик-кимёвий тузилмаси ва кимёвий таркиби фарқланиши билан боғлиқ (1-жадвал).


1-жадвал

Ишқаланишда таглик материалларининг электрофизик хоссалари


Материал номи	Материал зичлиги кг/м^3	Солиштирма қаршилик	
		ҳажмли $\rho_v, \text{Ом}\cdot\text{см}$	сирт $\rho_s, \text{Ом}$
Хромли ошланган чарм	$1,4\pm 0,25$	$4,0\cdot 10^{10}$	$4,6\cdot 10^{10}$
Полиуретан	$0,9\pm 0,3$	$5,6\cdot 10^{10}$	$2,0\cdot 10^{10}$
«С» русумли ТЭП «Тэпогран»	$1\pm 0,1$	$1,8\cdot 10^{11}$	$8,4\cdot 10^{11}$
Термоэластопласт	$0,97\pm 1,07$	$1,3\cdot 10^{11}$	$7,2\cdot 10^{11}$
СКМС-30 АРКМ-15	$1,01\pm 0,15$	$2,3\cdot 10^{13}$	$6,2\cdot 10^{12}$
СКИ-3 резинаси	$1,02\pm 0,15$	$2,5\cdot 10^{13}$	$1,8\cdot 10^{13}$
«Кожвалон»	$1,03\pm 0,12$	$3,8\cdot 10^{14}$	$2,7\cdot 10^{14}$
«Мипора»	$0,4\pm 1,0$	$6,3\cdot 10^{14}$	$6,5\cdot 10^{14}$
«В» русумли ПВХ «Винилан»	$1,2\pm 0,1$	$2,4\cdot 10^{15}$	$5,9\cdot 10^{15}$
ВШ русумли ғовак резина	$0,43\pm 0,07$	$5,8\cdot 10^{15}$	$5,4\cdot 10^{15}$
«Малыш»	$0,6\pm 0,1$	$6,9\cdot 10^{15}$	$5,7\cdot 10^{15}$
«Порокреп»	$0,5\pm 0,1$	$7,1\cdot 10^{15}$	$5,8\cdot 10^{15}$

1-расм ва 2-расмда таглик материалларининг ҳажмли ва сирт қаршиликларини аниқлаш натижалари шуни кўрсатдики, ПУ резинаси энг кичик ҳажмли ва сирт қаршилигига эга, ғовакли резиналар эса энг катта ҳажмли ва сирт қаршилигига эга.

3-расмда ишқаланишда таглик материалларининг электрофизик хоссаларини тадқиқ қилишда электрланиш даражаси материалларнинг ишқаланиш жуфти хоссаларига боғлиқлигини кўрсатди. Таглик материалларининг синтетик гилам ва ПВХ линолеуми билан контактда зарядларнинг энг жадал тўпланиши кузатилса, ёғочли пол билан контактда материаллар электрланишининг энг паст даражаси кузатилади.



1-расм. Таглик материалларининг солиштирма ҳажмли қаршилиги



2-расм. Таглик материалларининг солиштирма сирт қаршилиги

Тадқиқотнинг мақсади ток ўтказувчи пойабзал учун резинали таглик тайёрлаш бўлганлиги ва резиналар таркибига электр ўтказувчи тўлдирувчиларни киритиш ҳисобига ўзининг электр ўтказиш хоссаларини ўзгартиришга боғлиқ ҳолда саноатнинг турли соҳаларида фойдаланиладиган ток ўтказувчи резина композициялари тадқиқ қилинди. 2-жадвалда резина композицияларнинг физик-механик хоссалари берилган.

**П-803 тўлдирувчиси ва ацетилен қуруми (сажасини) улушлашга боғлиқ ҳолда
СКД, СКИ ва СКС каучуки асосидаги резинанинг физик-механик хоссалари**

Кўрсаткичлар	Тағликли резиналар			
	СКД	СКИ-3	СКС	СКМС-30
Узилишга қаршилиги, $кг/см^2$	74	82	79	84
Қолдиқ чўзилиши, %	114	105	66	103
Шор бўйича қаттиқлиги, бирл.	76	84	86	82
Сирт қаршилиги, ρ_s , Ом	$3,1 \cdot 10^3$	$3,5 \cdot 10^3$	$3,3 \cdot 10^3$	$3,8 \cdot 10^3$
Узилишда шартли мустаҳкамлиги, $кг/см^2$	83	84	85	84
Пластинанинг киришиши, %	0,99	0,96	0,96	0,96
Ейилувчанлиги, $см^3/кг \cdot м.ч.$	250	325	278	377
Зичлик, $г/см^3$	1,0	0,85	0,9	0,8
Солиштирма электр қаршилиги, Ом	$4 \cdot 10^5$	$6 \cdot 10^5$	$5 \cdot 10^5$	$1,3 \cdot 10^5$

Турлича миқдорда электр ўтказувчи тўлдирувчилар билан – ацетилен ва печь қуруми(сажа), графит, металл қурунлари билан тўлдирилиб ўрганиб чиқилган барча бутадиен - СКД, изопрен - СКИ, бутадиен-стироль – СКС каучуклар комбинацияси асосидаги резинали тағликлар орасида юқори даражадаги ишқаланишга чидамлилиқ билан бир қаторда нисбатан паст электрик қаршилиққа эга. Юқорида ўрганиб чиқилган резиналарда солиштирма электр қаршилиги қиймати ток ўтказувчи пойабзал учун талаб қилинган $1,5 \cdot 10^5$ Ом даражадан анча юқори бўлди.

Ўрганиб чиқилган барча резинали тағликлар орасида ўзининг технологик ва электр ўтказиш хоссалари бўйича СКИ-3 изопренли каучук асосидаги, ацетилен қуруми билан турлича даражада тўлдирилган ток ўтказувчи резинали композиция ток ўтказувчи пойабзал учун тавсия қилинди. Бироқ бу композиция юқоридаги талабларга жавоб бермайди. Биринчидан, резинанинг электр ўтказувчанлиги ва иккинчидан, қўлланадиган ингредиентларнинг, хусусан, ацетилен қурумнинг қимматлиги.

Изланиш тажрибалари ва адабиёт маълумотлари таҳлили асосида ток ўтказувчи резина композициясини ишлаб чиқиш учун серияли ишлаб чиқариладиган СКМС-30 бутадиен-метилстирол каучуги танланди, у резиналарга ток ўтказиш хоссаларини бериш ва турли фойдаланиш шароитларида уларни сақлаш учун энг мос келадиган хоссаларга эга.

3-жадвалда П-803 техник углероди билан турлича даражада тўлдирилган СКМС-30 ва ацетилен қуруми (1) га эга СКИ-3 каучуги асосидаги резина аралашмаларининг рецептуралари келтирилган.


Резина аралашмалари рецептураси

Таркибий қисмларнинг номи	100 масс.қисм учун масс.қисмлар миқдори			
	1	2	3	4
СКИ-3 каучуги	100	-	-	-
СКМС-30 каучуги	-	100	100	100
Ацетилен қурум(сажа)	80	-	-	-
П-803 техник углероди	-	60	80	100
Тиурам	10	6	8	10

Рух оксиди	4	3	4	5
Каптакс	1,2	-	-	-
Неозон Д	4	4	2	-
Олтингугурт	1,5	2	3,3	4,6
Стеарин	10	3	2,5	2
РТИ чиқиндиси	-	70	90	110

СКМС-30 каучуги асосидаги резиналарнинг электр ўтказиш хоссаларини ошириш мақсадида электр ўтказувчи тўлдирувчи - П-803 техник углеродини улушлашнинг таъсири тадқиқ қилинди. Таққослаш учун ацетилен куруми тўлдирувчисининг СКИ-3 каучуги асосидаги резинанинг электр ўтказиш хоссаларига таъсири ҳам тадқиқ қилинди.

3-расмда СКМС-30 ва СКИ-3 каучуклари асосидаги резиналар электр қаршилиги резинанинг П-803 техник углероди ва ацетилен куруми билан тўлдирилиш даражасига тавсифли боғлиқлиги кўрсатилган.



1- СКИ -3 каучуги асосидаги резина, 2- СКМС – 30 каучуги асосидаги резина

3-расм. Техник углерод П-803нинг резина солиштирма электр қаршилигига таъсири

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган каучуклар асосидаги резинада қоракуянинг микдори 60 дан 160 масса қисм. гача ўзгарганда электрик қаршилиқ 14 дан 0,6 Ом·см. гача пасайди (3-расм). Тажриба натижалари ва аввал келтирилган хулосалар тўлдирувчилар микдорининг резиналарнинг электр ўтказувчанлигига таъсири мавжудлигини тасдиқлайди. Бироқ резиналарнинг электр ўтказувчанлиги нафақат тўлдирувчининг тури ва унинг концентрациясига, балки бошқа кўплаб омилларга, масалан, тўлдирувчининг кимёвий таркиби, дисперслик даражаси, композицияни олишнинг технологик параметрлари ва ҳ.к. ларга ҳам боғлиқ.


Тажрибавий эгри чизиқлар (1ва 2) ± (4-6)% аниқликда қуйидаги тенгламалар билан ифодаланган:

$$\text{СКМС-30 каучуги асосидаги резина учун } \rho = \frac{4,75 \cdot 10^6}{X^3}, \quad (1)$$

$$\text{СКИ-3 каучуги асосидаги резина учун } \rho = \frac{2,95 \cdot 10^6}{X^3} \quad (2)$$

бу ерда ρ - солиштира электр қаршилиги, $\text{ом}\cdot\text{см}$;

X – техник углерод П-803 миқдори, масса қисм




Техник углерод П-803 миқдори, масса қисм.

1- СКИ -3 каучуги асосидаги резина, 2- СКМС – 30 каучуги асосидаги резина

4-расм. Ток ўтказувчи тўлдирувчилар миқдорининг резина пишиқлигига таъсири

Ток ўтказувчи тўлдирувчиларнинг резиналар пишиқлик (узилишга чидамлик) кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ қилиш (4-расм) шуни кўрсатдики, тўлдирувчи–П-803 нинг миқдори 60-80 масса қисмгача оширилганда резинанинг пишиқлиги максимал қийматгача ўсади, кейин эса пасаяди.

5-расмда келтирилган натижалар шуни кўрсатадики, аралашмада П-803 тўлдирувчисининг миқдорининг ортиши билан резинанинг нисбий чўзилиши ошади.



Техник углерод П-803 миқдори, масса қисм

1-СКИ -3 каучуги асосидаги резина, 2- СКМС – 30 каучуги асосидаги резина

5-расм. Ток ўтказувчи тўлдирувчилар миқдорининг резина нисбий чўзилишига таъсири

Шундай қилиб, резиналарнинг электр ўтказувчанлиги ва физик-механик хоссаларининг ток ўтказувчи тўлдирувчиларни улушлашга боғлиқлиги тавсифини аниқлаш бўйича амалга оширилган синовлар натижалари кейинги тадқиқотлар учун бутадие-метилстироль каучук СКМС-30 асосидаги, 100 масса қисм каучук учун П-803 техник углеродининг оптимал миқдори 80 масса қисм бўлган резина композициясини танлашга имкон берди. СКМС-30 резина аралашмасининг рецептураси 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

СКИ-3 ва СКМС-30 каучуклари асосидаги резина аралашмаларининг рецептураси

Таркибий қисм номи	Масса қисм	Таркибий қисм номи	Масса қисм
СКИ-3	100	СКМС-30	100
Тиурам	10	Тиурам	8,0
Рух оксиди	4	Рух оксиди	4
Неозон Д	4	Неозон Д	2
Олтингугурт	1,5	Олтингугурт	3,3
Стеарин	10	Стеарин	2,5
Каптакс	1,2	Техник резина буюмлар чиқиндиси (РТИ)	90
Ацетилен куруми	60 дан 160 гача	П-803 техник углероди	60 дан 160 гача


5-жадвал

П-803 тўлдирувчисини улушлашга боғлиқ ҳолда СКМС-30 каучуги асосидаги резинанинг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар	П-803 миқдори, %		
	60	80	100
Узилишга қаршилиги, $\text{кг}/\text{см}^2$	62	84	75
Қолдиқ чўзилиши, %	144	103	66
Шор бўйича қаттиқлиги, бир.	76	82	86
Сирт қаршилиги, ρ_s , Ом	$4,1 \cdot 10^3$	$3,8 \cdot 10^3$	$3,3 \cdot 10^3$
Узилишда шартли пишиқлик, $\text{кг}/\text{см}^2$	62	84	85
Пластинанинг киришиши, %	0,99	0,96	0,96
Ейилувчанлик, $\text{см}^3/\text{кВт.ч.}$	339	377	392
Зичлик, $\text{г}/\text{см}^3$	0,9	0,8	0,7

5-жадвал натижалари шуни кўрсатадики, СКМС-30 каучук асосидаги резина композициясида тўлдирувчи сифатида П-803 техник углеродидан фойдаланиш резина электр ўтказувчанлигининг ортишига олиб келади. Бунда резинанинг физик-механик хоссалари ҳам яхшиланади.

СКМС-30 ва СКИ-3 электр ўтказувчи резиналарнинг физик - механик хусусиятларини қиёсий комплекс баҳолаш амалга оширилди.



6- расм. СКМС-30 ва СКИ-3 асосида ўтказиладиган электр ўтказувчи резиналарнинг хусусият кўрсаткичларининг комплекс диаграммаси

Резиналар хусусиятини аниқловчи график-диаграмма талқини СКМС-30 асосидаги резина сифат индексига кўра асосий хусусиятлардан устунлигини кўрсатди, бу электр ўтказувчанлик ҳамда уларнинг эксплуатацион хусусиятларининг юқорилигини кўрсатади.

Шундай қилиб, кейинги тадқиқотлар учун юқори даражадаги электр ўтказувчанлик ва физик-механик хоссалар билан тавсифланадиган СКМС-30 каучук асосидаги ток ўтказувчи резина композициясидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Махсус пойабзал учун резинали таглик ишлаб технологиясининг афзалликлари**» деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида электр ўтказувчи резиналар технологик жараёнларининг афзалликлари келтирилган. СКМС-30 каучуги ёрдамида ток ўтказувчи резинани олиш технологияси, вулканизациядан кейин ва сақлаш жараёнида резина пластиналарининг киришиш коэффициентига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш шунинг кўрсатдики, пластина кўринишида тайёрланадиган резинали тагликларни қирқинишда улар ўлчамларининг ўзгариши сезиларли камчиликка эга. Резинанинг нотекис киришиши чўзилиш зоналарининг нотекислиги туфайли деталларни бичиш, уларга ишлов бериш ва бириктиришни қийинлаштиради.

Вулканизациядан кейин ва сақлаш жараёнида резина пластиналарининг киришиши коэффициентига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш мақсадида тадқиқот объекти ҳақидаги априор ахборотни таҳлил қилиш асосида тажрибани режалаштиришнинг математик услуби қўлланилди.

Резина ишлаб чиқаришда киришишни тезлаштириш учун юқори хароратларда иссиқлик билан ишлов бериш жараёни кўзда тутилган. Резиналарга иссиқликда ишлов бериш пластиналарнинг кейинги киришишини камайтиради, лекин бунда киришиш тўлиқ якунига етмайди.

Вулканизациядан кейин ва сақлаш жараёнида резина пластиналарининг киришиши коэффициентига таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш априор диаграммасини таҳлил қилиш шундай хулоса чиқаришга имкон бердики,

резина пластиналарнинг киришиш хоссаларини тадқиқ қилиш учун асосан резина аралашмасининг таркибига боғлиқ бўлган омилларга алоҳида эътибор қаратиш керак.


Бундай омилларга қуйидагилар тааллуқли:

X_1 - резина аралашмаси ингредиентларининг миқдорий нисбати;

X_2 - полимернинг тузилмаси (аморф, кристаллик)

Бобнинг кейинги қисмида пластинадан кесиб олинганидан кейин резина пластиналарининг киришиши тадқиқ қилинган. (6-расм) шуни кўрсатадики, кесиб олишдан кейин табиий шароитларда сақлашнинг биринчи суткалари давомида тагликларнинг ўлчамлари сезиларли ўзгариши кузатилди ва 0,2% ни ташкил қилди, сақлашнинг учинчи суткасида эса – 0,23% ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, пластинадан кесиб олиш, шпальтлаш ва тоvon қисмини жилвирлашдан кейин резина деталларнинг киришиш ўзгаришини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, юқорида келтириб ўтилган операциялар бажарилганидан кейин резина тагликларнинг киришиш қиймати техник шартларда кўрсатилган йўл қўйса бўладиган меъёрлар чегарасида бўлади.



7-расм. Пластиналардан кесиб олинганидан кейин резинали тагликлар киришишининг ёйиб қўйиш вақтига боғлиқлиги

Пойабзал ишлаб чиқаришда елим пленкаларини фаоллаштириш ва пресслашдан кейин резина деталларнинг киришиш жараёни елимли бирикманинг пишиқлигига ва натижада чиқариладиган пойабзалнинг сифатига сезиларли таъсир кўрсатади, шунинг учун электр ўтказувчи резинали тагликларда елимли наирит пленкаларни иссиқликда фаоллаштириш технологик жараёнини оптималлаштириш учун тадқиқот ўтказилди.

Шу мақсадда ўлчами 20x100 мм бўлган намуналар олинди. Намуналарни елимлаш НТ наирит асосидаги полихлорпрен елими билан амалга оширилди.

Материал намуналарини елимлаш режимлари қуйидагича:

чарм деталларга 1-елим суртиш елим концентрацияси 17-18%;

чарм деталларга 2-елим суртиш елим концентрацияси 22-24%;

- ток ўтказувчи резина тагликка елим суртиш – бир марта елим концентрацияси 23-24%. Биринчи суртишдан сўнг елим пардасини қуришти 25-35 дақиқа давомида. Иккинчи суртишдан сўнг хона хароратида 60 дақиқа давомида. Елим пленкасини фаоллаштириш қуйида баён қилинган режимларда амалга оширилди.

Елимлаш 3-3,5 мПа босимда махсус прессларда амалга оширилди. Прессда ушлаб туриш вақти 30-60 сония.

Фаоллаштириш жараёнидан кейин ёпишма намуналарининг киришиши фаоллаштириш жараёнига қадар ва деталлар ёпиштирилганидан кейин ва бир соат ёйиб қўйилганидан кейин резина таглик намунаси энини 3 та жойидан ўлчаш орқали аниқланди.

Резинали тагликларнинг елим пленкасини фаоллаштириш технологик жараёнини оптималлаштириш вазифасини ҳал қилиш учун тажрибани режалаштириш услубидан фойдаланилди. Унда резинанинг киришиш коэффиценти ва урта омил: $K_{yc} = f(t^0, h, \tau)$ орасидаги функционал боғлиқликни кўриб чиқиш талаб қилинди.

Тажрибавий маълумотларни қайта ишлаш натижасида қуйидаги кўринишдаги чизиқли модель олинди:

$$Y = 0,7 + 0,54X_1 + 0,53X_2 - 0,54X_3 + 0,39X_1X_2 - 0,49X_1X_3 - 0,42X_2X_3$$

Чизиқли моделнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ҳақидаги гипотеза қабул қилина олмаслиги туфайли Фишер мезонининг ҳисобланган қиймати жадвал қийматидан анча юқори $F_{\text{ҳис.}} = 62 > F_{\text{жад.}} = 6,4$.

Кейинги тадқиқотлар иккинчи даражали ротатабель режалаштириш ёрдамида амалга оширилди, унда «ядро» га маълум миқдордаги «юлдузли» ва «нол» нуқталар қўшилган ҳолда иккинчи даражали режага қадар тўлиқ омилли тажриба режаси қурилади. Тажрибани ротатабель режалаштириш омиллари вариация қилиш даражалари ва оралиқлари 6-жадвал да келтирилган, ток ўтказувчи резинали таглик бириктирилган материал сифатида хромли ошланган чармдан фойдаланилган.

6-жадвал

Омиллари вариациялаш даражалари ва оралиқлари

Омиллар	Белги	Вариациялаш даражаси					Вариациялаш оралиқлари, ε
		-1,68	-1	0	+1	+1,68	
Фаоллаштириш харорати, $t^0\text{C}$	X_1	53	70	95	120	134	25
Фаоллаштириш вақти, τ сек.	X_2	21	30	105	180	231	75
Қиздириш элементига ча баландлик, h см.	X_3	5,24	10	17	24	28,76	7

Амалга оширилган ҳисоблашлар натижасида иккинчи тартибли модель олинди:

$$\hat{Y} = 0,97 + 0,30X_1 + 0,27X_2 - 0,3X_3 - 0,41X_1X_2 - 0,52X_1X_3 - 0,44X_2X_3 + 0,12X_1^2 + 0,11X_2^2 + 0,1X_3^2$$

У 95% эҳтимоллик билан адекват (мос) деб ҳисобланиши мумкин, чунки $F_{\text{ҳис.}} = 2 < F_{\text{жад.}} = 2,4$.

Шундай қилиб, тажрибавий тадқиқот асосида елим пардасини иссиқликда фаолаштириш режими оптималлаштирилди, у қуйидаги параметрларга эга: иссиқлик оқимида елим пленкаларни фаоллаштириш 3С-3 лампалари ёрдамида амалга оширилди. Тагликларни нурлантириш зонасида харорат 100⁰С дан 120⁰С гача ўзгарди. Фаоллаштириш вақти – 1-2 дақиқа, қиздириш элементида елим пленкаси гача бўлган масофа $h = 20$ см.

Тўртинчи бобда пойабзални синаш натижалари ҳам келтирилади. Ишда устки қисми хромли чармдан тайёрланган пойабзал конструкциясида елимли услубда бириктиришни қўллаш имконияти тадқиқ қилинади, бунда ички деталлар учун махсус ток ўтказувчи мато, пойабзалнинг таг қисми деталлари учун СКМС-30 каучуги асосида ток ўтказувчи резина деталлардан фойдаланилган, уларнинг композицияси, тайёрлаш ва қўлланилиши технологияси ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш синовлари учун пойабзал конструкцияси, ҳамда таглик конструкцияларидан фойдаланилган. Ток ўтказувчи пойабзал ишлаб чиқилган техник шартлар TSh 64-0207245-001:2004 «Статик электр токи зарядларини кетказиш учун махсус пойабзал (ток ўтказувчи пойабзал)» бўйича тайёрланган.

Пойабзалнинг ток ўтказиш хоссаларини тадқиқ қилиш икки босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда – пойабзал материаллари, материаллар пакети ва тайёр пойабзалнинг электр ўтказувчанлиги ўлчанади;

Иккинчисида – инсон томонидан кийилган пойабзалнинг, яъни *пойабзал + пайпоқ + инсон танаси* тизимининг қаршилиги ўлчанади.

Пайпоқ ва пайпоқ-чулок буюмлари аксарият ҳолатларда оёқ панжаси билан туташуви, пайпоқлар materiali эса бевосита пойабзал астари билан контактлашуви туфайли пайпоқлар материалининг пойабзалнинг ток ўтказиш хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқот учун пахта толали, аралаш (пахта 30%, ПАН – 25%, ПА – 45%) ва синтетик пайпоқлардан фойдаланилди. Астар materiali – ток ўтказувчи мато – электр ўтказувчи тола ЭПВН - 40%, пахта - 60%.

7-жадвал

Пайпоқ материалларининг пойабзалнинг электр ўтказувчанлигига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари

№	Пойабзал ўлчами	Қаршилик, кОм				
		пойабзал, ярим/жуфт		Пайпоқ материаллари номи		
		ўнг	чап	пахта	аралаш мато	капрон
1.	255	9,2	8,1	100	95	90
2.	260	10	9,1	86	80	75
3.	265	13	12	95	85	80
4.	265	10,8	9,8	75	80	75
5.	270	11	13	105	86	83
6.	270	13	14	90	87	84
7.	275	9	10	95	90	85
8.	275	9,5	8,5	86	83	78
9.	280	10,6	10,7	78	75	73
10.	280	11	10	85	80	78
Ўр		10,7	10,5	89,5	84	80

7-жадвалда келтирилган пайпоқ-чулок буюмлари материалларининг пойабзалнинг электр ўтказувчанлигига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари шундай хулоса чиқаришга имкон берадики, пойабзални кийишда фойдаланиладиган пахта, аралаш мато ва капронли пайпоқлар ўртача 97 кОм электр ўтказувчанликка эга, бу инсон томонидан кийилган пойабзал ток ўтказувчанлигининг меъёрий кўрсаткичларига мос келади - 0,2 – 250 кОм.

СКМС-30 каучуги асосида резинали тагликнинг, инсон томонидан кийилмаган пойабзалнинг ток ўтказиш хоссаларини ва инсон томонидан кийилган пойабзалнинг электр ўтказувчанлигини тадқиқ қилиш 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

СКМС-30 резинасидан тайёрланган тагликнинг, пойабзалнинг ва инсон томонидан кийилган пойабзалнинг электр қаршилиги кўрсаткичлари қийматлари

№	Пойабзал ўлчами	Электр қаршилиги, кОм				
		Таг чарм, ярим/жуфт		пойабзал, ярим/жуфт		«пойабзал + пайпоқ + инсон танаси» - тизими
		ўнг	чап	ўнг	чап	
1.	255	1,4	1,4	9	8	115
2.	260	1,6	1,6	9	7	110
3.	265	0,8	1,0	13	12	108
4.	265	0,6	0,8	7	9	100
5.	270	1,2	1,2	12	14	98
6.	270	1,6	1,6	14	15	95
7.	275	1,4	1,0	8	8	82
8.	275	0,6	0,8	9	7	80
9.	280	0,3	0,3	3	3	76
10.	280	1,2	1,1	11	10	75
Ўр.		1,05	1,08	9,5	9,3	94

8-жадвала келтирилган 10 жуфт резинали таглик, ток ўтказувчи пойабзал, «пойабзал – пайпоқ – инсон танаси» тизимининг қаршилиқ қийматларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ток ўтказувчи пойабзалнинг қаршилиги резинали тагликларга нисбатан таққосланганда 9 марта ошди ва инсон томонидан кийилган пойабзал қаршилигига нисбатан деярли 8 марта кам.

9-жадвалда астар, тўлдиргич ва асосий патак қопламаси сифатида ток ўтказувчи матодан фойдаланиб СКМС-30 каучук асосидаги таглик резиналари электр ўтказувчи пойабзалнинг меъёрий ва амалдаги қаршилиқ кўрсаткичларини таққослаш натижалари келтирилган.

Материаллар ва пойабзалнинг ток ўтказувчанлигини таққослаш натижалари

Материал номи	Қаршиликнинг меъёрий кўрсаткичлари, кОм	Қаршиликнинг амалдаги кўрсаткичлари, кОм	
		min	max
Резина таглиги	0,2 – 250	0,3	1,6
Инсон томонидан кийилмаган пойабзал	0,2 – 250	3	15
Инсон томонидан кийилган пойабзал	25 – 2500	30	180

«ВОСТОК» ИЧБ пиротехник буюмлар ишлаб чиқариш цехида амалга оширилган, СКМС-30 каучук асосида электр ўтказувчи резинали таглик электр ўтказувчи пойабзалнинг турли конструкцияларини ишлаб чиқариш шароитларида синовдан ўтказиш шундай хулоса чиқаришга имкон бердики, махсус пойабзал учун СКМС-30 асосидаги резинали таглик композициясидан фойдаланиш махсус пойабзалда талаб қилинадиган электр ўтказиш хоссаларига эришишга хизмат қилади.

Электр ўтказувчи таглик ҳамда у асосида махсус пойабзал ишлаб чиқиш технологик регламенти яратилди ва у “Нафис” МЧЖ, “Кафолат резина” МЧЖ корхонасига жорий этилган.

ХУЛОСА

«Махсус пойабзал учун электр ўтказувчанлик хоссасига эга бўлган резина тагликлар технологиясининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақлиф этилди:

1. Электр ўтказувчи махсус пойабзал учун СКМС-30 каучук асосида тагликли резина композицияси ишлаб чиқилди, унинг қаршилигининг юқори чегараси $1,5 \cdot 10^5 \text{ Ом}$, белгиланган талабларга жавоб бериб, юқори даражадаги электр ўтказувчанлик ва физик-механик хоссаларига эга бўлиш имконини берди;

2. СКМС-30 бутадиен-метилстирол каучук асосидаги резинали тагликнинг электр ўтказиш ва физик-механик хоссалари П-803 техник углерод тўлдирувчисининг улушланишига боғлиқлиги аниқланди. Натижада электр ўтказувчи резина таркибига П-803 техник углерод тўлдирувчисини киритиш микдори унинг хусусиятларига таъсир этишини башорат қилиш имкони яратилди;

3. МЧЖ “Кафолат резина” корхонасига тадбиқ этилилган СКМС-30 бутадиен-метилстирол каучук асосидаги резинали таглик олиш технологияси ишлаб чиқилди, натижада импорт ўрнини босувчи электр ўтказувчи резиналар олиш имконияти яратилди.

4. Резинанинг киришишига энг кам таъсир қилувчи СКМС-30 каучути асосидаги электр ўтказувчи тагликларни қўллашнинг оптимал технологик режимлари ишлаб чиқилган;

5. Ишлаб чиқилган ток ўтказувчи махсус пойабзалдаги пахта, аралаш мато ва капронли пайпоқлар ўртача 97кОм электр ўтказувчанликка эга, бу инсон томонидан истеъмолда бўлган бўлган пойабзал ток ўтказувчанлигининг $0,2 - 250\text{кОм}$ меъёрий кўрсаткичларига мос келиш имконини беради;

6. “Статик электр токининг тўпланишидан ҳимоя қилиш учун ток ўтказувчи махсус пойабзал” учун техник шартлар ишлаб чиқди ва тасдиқланди TSh 64-0207245-001:2004;

7. Электр ўтказувчи махсус пойабзал ишлаб чиқиш технологик регламенти яратилди ва у МЧЖ “Нафис” корхонасига жорий этилди;

8. Электр ўтказувчи резина тагликли махсус пойабзал “ВОСТОК” НИЧБ ва “Нафис” МЧЖ га жорий этилди;

9. СКМС-30 каучук асосида импорт ўрнини босувчи электр ўтказувчи резина тагликли пойабзални жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги 1,2 млн.сўмни ташкил этади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.T.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ПАЗИЛОВА ДИЛНОЗА ЗИЯВУТДИНОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ТЕХНОЛОГИИ ПОДОШВЕННЫХ РЕЗИН С
ЭЛЕКТРОПРОВОДЯЩИМИ СВОЙСТВАМИ ДЛЯ СПЕЦОБУВИ**

05.06.03 – Технология кожи, меха, обуви и кожевенно-галантерейных изделий

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.2.PhD/T.805

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.titli.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Максудова Умида Мирзарахимовна
кандидат технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

Мусаев Сайфулло Сафоевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании разового Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 222-аудитория, тел: (99871) 253-06-06, факс: (99871) 253-08-08, e-mail: titli.info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, (зарегистрирована № 50). (Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон 5. Тел.: (99871) 253-06-06.

Автореферат диссертации разослан «11» января 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 50 от «11» января 2019 года).

К. Жуманиязов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.З.Маматов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Э.Гуламов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире с развитием различных сфер производства с каждым днём растёт потребность в средствах индивидуальной защиты, в число которых входит спецодежда и спецобувь. Высокий уровень развития производства, появление более современного, технологичного оборудования, необходимость получения высококачественной и конкурентоспособной продукции приводит к ужесточению требований к качеству спецобуви. И поэтому совершенствование технологии производства обуви, улучшение защитных и потребительских свойств является актуальной проблемой на сегодняшний день. В развитых зарубежных странах, а именно, в Германии, Италии, США, КНР, России и др. уделяется большое внимание на повышение безопасности производимой продукции³. Обеспечение безопасности показателей спецобуви за счет внедрения новых материалов, оптимизации технологических процессов, снижения затрат на производство является основной задачей государства.

В мировой практике при разработке и совершенствовании конструкций спецобуви с электрофизическими свойствами особое значение имеет использование новых видов материалов для низа обуви. В связи с этим научные исследования, связанные с разработкой новой композиции для спецобуви с заданными электрофизическими свойствами с использованием местного сырья и материалов является актуальным научно-исследовательским направлением, решающим сразу две задачи одновременно-обеспечение безопасности работающих на производстве и выпуск импорто заменяющей продукции.

В Республике ускоренными темпами развивается производство кожевенно-обувной продукции на основе применения современных технологий и расширения ассортимента производимых изделий. Наряду с этим при производстве конкурентоспособной качественной продукции особое требование предъявляется к совершенствованию, разработке и внедрению инновационных технологий. Стратегией действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах ставятся задачи «...повышения конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение энергоёмкости и ресурсоёмкости производства, ...широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий ...»². Для достижения вышеуказанных целей вопросы полного эффективного применения местного сырья, разработка электропроводящей резиновой композиции для спецобуви с улучшенными электрофизическими свойствами для производства импортозамещающих, а также экспортоориентированных конкурентоспособных качественных изделий являются одними из актуальнейших.

³Stuart G. Luxon A History of Industrial Hygiene (англ.) // AIHA & ACGIH American Industrial Hygiene Association Journal. — Akron, Ohio: Taylor & Francis, 1984. — Vol. 45, no. 11. — P. 731-739. — ISSN 1542-8117. — DOI:10.1080/15298668491400520

²www.lex.uz/УП-4947 от 07.02.2017 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 15 сентября 2016 года ПП 2592 «О программе мер по дальнейшему развитию кожевенно-обувной промышленности на период 2016-2020 годы» и Постановлением Кабинета Министров от 3 января 2017 года №3 «Об утверждении Общего технического регламента о безопасности кожевенно-обувной продукции» и другими нормативными-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий: П.«Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросы усовершенствования технологии электропроводящих резин, исследование свойств резиновых композиций с электрофизическими свойствами рассмотрены в научно-исследовательских работах таких ученых как J.K.Fink, M.Biron, A.K.Bhowmick, C.A.Harper, J. Brandrup, E.H.Immergut, Б.И.Сажина, В.Е.Гуля, Л.З.Шенфиля, Р.М.Левита, Д.Л.Федюкина, Н.П.Савчука, В.П.Лыбы, Б.Н.Стрельцова, В.Л.Раяцкаса, В.Т.Прохорова, А.В.Снозыка, И.Н.Леденёвой, О.А.Белицкой и т.д.

В нашей стране вопросам разработки различных полимерных композиций для защиты от опасных производственных факторов, посвящены работы ряда ученых М.А.Аскарова, С.Ш.Рашидова, С.Ибадуллаева, А.Х.Юсупбекова, С.С.Нигматова, Д.Н.Акбарова, А.С.Рафикова, У.М.Максудовой, Э.У.Тешабаевой и т.д.

Однако не достаточно изучены разработки технологий электропроводящей полимерной композиции для подошвы спецобуви с высокими электрофизическими показателями, отвечающих требованиям по назначению.

Связь диссертационного исследования планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ ТИТЛП и отражено в следующих проектах: № А-6-008 «Исследование, разработка и внедрение в производство спецодежды и спецобуви для работников различных отраслей промышленности» (2006-2008), № ИТД-6-120 «Исследование, разработка и внедрение в производство спецобуви для различных отраслей промышленности» (2008-2011).

Целью исследования является разработка электропроводящей резиновой композиции для низа спецобуви и технологии её применения.

Задачи исследования:

разработка способа повышения электропроводности резиновой композиции и улучшения физико-механических свойств резины для низа обуви из местного сырья;

разработка электропроводящей резиновой композиции и исследование степени влияния технического углерода П-803 в составе композиции на его параметры и свойства;

разработка технологии получения и применения разработанной резиновой композиции;

оптимизация технологического процесса тепловой активации клеевых плёнок на усадку электропроводящих резиновых подошв;

определение степени зависимости влияния материала носок на электропроводность обуви.

Объектом исследования являются спецобувь, электропроводящие резиновые полимерные композиции и получение на их основе подошв для спецобуви.

